



**АРИЗАЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ МУДДАТИ ТУГАДИ!**

EU-AGRIN лойиҳаси доирасида

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ОПЕРАЦИОН (ИННОВАЦИОН) ГУРУҲЛАР ТУЗИШ

АРИЗА БЕРУВЧИЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Аризалар 2023 йилнинг 9 январь соат 18:00 га қадар қабул қилинади.

1. АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Қишлоқ хўжалигида Инновацион гуруҳларни ташкил этиш “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторининг яшил иқтисодиётга инклюзив ўтишини қўллаб қувватлаш ва иқлимга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги билимлари ва инновацион тизимини ривожлантириш (EU-AGRIN)” лойиҳаси доирасида ташкил этилади. Мазкур Лойиҳа Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилади ва БМТТД томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Лойиҳанинг умумий мақсади Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат секторида яшил иқтисодиётга инклюзив ўтишга қўмаклашиш ва Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига билим ва инновацияларнинг иқлимга мос тизимини жорий этишдан иборат.

Лойиҳа “фермер хўжалиги даражасида” иқлим ўзгаришига мослашиш ва таъсирларини юмшатиш билан боғлиқ амалиётларни (лойиҳаларни) амалга оширишни қўллаб-қувватлайди.

Лойиҳа томонидан илгари сурилган асосий механизм – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРГА ҚАРАТИЛГАН ОПЕРАЦИОН (ИННОВАЦИОН) ГУРУҲЛАР ТУЗИШ

Инновацион гуруҳлар ўзи нима?

Инновацион гуруҳлар – фермерлар, тадқиқотчилар, маслаҳатчилар, корхоналар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва шу каби бир нечта ҳамкорларни ўзаро бирлаштириш, биргаликда муайян вазифаларни ҳал қилиш ва қисқа вақт ичида инновацион ечимларни тажрибадан ўтказиб, таклиф қилувчи лойиҳани амалга оширувчи янги механизмдир.

Инновацион гуруҳлар орқали қандай лойиҳаларни амалга ошириш мумкин?

Инновацион гуруҳлар қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд бўлган муаммоларга ечим топиш ёки энг қисқа вақт ичида янги ёндашув ёки технологияни синаб кўриш имконини берувчи янги концепциянинг бир қисмидир.

Инновацион гуруҳлар ечимларни синаб кўриш учун турли ташкилотларнинг умумий тажрибаси ва билимларидан фойдаланадилар, сўнгра уни эҳтимолий манфаатдор томонларга тақдим қиладилар.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида муайян Инновацион гуруҳнинг ҳамкорлари ўз фаолияти учун молиявий ёрдам олишлари ва белгиланган тартибларга мувофиқ зарур жиҳозларни сотиб олишлари мумкин бўлади. Инновацион гуруҳлар ҳар қандай фаолият/лойиҳага қуйидаги йўналишлар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

- Қайта тикланувчи энергия (куёш энергияси ва биоэнергия)
- Қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат соҳаси таъминот занжирларида энергия самарадор ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш

- Қишлоқ хўжалигининг иқлимга зарар етказмайдиган озиқ-овқат занжирлари учун рақамли технологиялар
- Қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларга чидамли ва/ёки иссиқликка чидамли уруғлари ва навлари
- Қишлоқ хўжалигида иссиқхона газлари чиқиндиларини чеклаш бўйича иқлимга зарар етказмайдиган лойиҳа ташаббуслари (экинлар ва чорвачиликка оид)
- Ер ва сув ресурсларини комплекс бошқариш
- Ҳосил йиғилгандан кейинги йўқотишларни камайтириш
- Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигининг озиқ-овқат саноатида айланма иқтисодиёт / чиқиндиларни бошқариш
- Ресурстежамкор қишлоқ хўжалиги

Йўналиш бериш учун лойиҳа мавзуларига эҳтимолий мисоллар қуйида келтирилган:

- иқлим шароитига кўпроқ мослашган янги ўсимлик (мева/сабзавот/экин) навини кенг жорий этиш;
- соғин сигирлар учун, ердан унумли фойдаланиш имконини берувчи, янги озуқа ҳосилини синовдан ўтказиш;
- гўшт ва сут маҳсулотларини етиштиришда қўшимча қиймат занжирини яратишни ривожлантириш;
- янги инновацион суғориш тизимини жорий этиш;
- ўсимликлар касалликларини аниқлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш;
- иқлим ўзгаришига яхшироқ мослашиш имконини берувчи инновацион усул ва технологияларни татбиқ қилиш;
- ўсимликларни ҳимоя қилишнинг янги биологик усуллари қўллаш;
- бошқалар (шу каби бошқа таклифлар)

1. ЭЪЛОННИНГ МАҚСАДИ

Ушбу эълоннинг мақсади потенциал ҳамкорларни (фермерлар/илмий тадқиқот институтлари/ташкилотлар...) жалб қилиб, лойиҳа ғояларини ва Инновацион гуруҳларнинг эҳтимолий таркибини таклиф қилишдан иборатдир.

Инновацион гуруҳлар камида 2 ёки ундан ортиқ ташкилотлар билан ҳамкорликда 2 йилгача давом этувчи қисқа муддатли лойиҳа доирасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни яхшилаш учун зарур бўлган инновацион ечимларни амалга ошириш учун тузилиши зарур.

Потенциал инновацион гуруҳлар томонидан таклиф қилинадиган ҳар қандай лойиҳа ғояси қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш ва сувни тежаш, тупроқни сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва салбий

таъсирларни юмшатиш ва шу каби (1-қисмда келтирилган) мавзулар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

2. ТАНЛОВ ЖАРАЁНИ

Инновацион гуруҳларни танлаш жараёни 2 босқичдан иборат.

I босқич: Биринчи босқичда эҳтимолий Инновацион гуруҳлар лойиҳа ғояси ва гуруҳнинг режалаштирилаётган таркиби (ҳамкорлар) тўғрисида умумий маълумот тақдим қиладилар. Лойиҳа ғояларининг дастлабки танлови махсус Техник баҳолаш қўмитаси томонидан ўтказилади.

II босқич: Лойиҳа ғоялари ва тақдим этилган баҳолаш жараёни дастлабки кўриб чиқилгандан сўнг, танланган Инновацион гуруҳлардан батафсил лойиҳа таклифлари, шу жумладан методология, батафсил иш режаси ва бюджетни тақдим этишлари сўралади. Лойиҳа таклифлари махсус Техник баҳолаш қўмитаси томонидан якуний баҳоланади.

3. АРИЗА ТОПШИРИШ ЖАРАЁНИ

Лойиҳа ғоялари Инновацион гуруҳнинг исталган аъзоси томонидан топширилиши мумкин. Ариза топширувчи Инновацион гуруҳ лойиҳа ғоясини 1-иловада келтирилган намунага кўра, **2023 йилнинг 9 январь санасига** қадар 4agroinnovation@gmail.com электрон почтасига юбориши лозим.

4. МАҚБУЛ БЕНЕФИЦИАРЛАР

Инновацион гуруҳлар **камида иккита** шерик/ҳамкордан иборат бўлиши зарур.

Инновацион гуруҳдаги камида битта шерик фермер бўлиши керак.

Бу гуруҳдаги камида иккита шерик, илмий-тадқиқот муассасаси бўлиши лозим.

Фермер ва илмий-тадқиқот муассасасидан ташқари, инновацион гуруҳнинг шериклари қуйидагилар бўлиши мумкин:

а) жисмоний ва юридик шахслар, масалан

- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа илмий-тадқиқот институтлари;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ)

- бошқа фермер ва деҳқон хўжаликлари;

- кластерлар;

- компаниялар (қишлоқ хўжалиги технологиялари, уруғлар, кимёвий моддаларни етказиб берувчилар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, уларни сотувчилар ва ҳк.)

- қишлоқ хўжалиги бўйича давлат ёки хусусий маслаҳатчилар(и) ёки бошқа маслаҳат беришга ихтисослашган компаниялар

- қишлоқ жойлардаги уй хўжаликлари.

б) ишлаб чиқарувчи ташкилотлар

Инновацион гуруҳларнинг потенциал шериклари сони чекланмайди.

5. МАСЪУЛ ТАШКИЛОТ

Инновацион гуруҳга етакчи (масъул) ташкилот вакил бўлади.

Масъул ташкилот фаолиятни амалга ошириш ва ажратилган маблағлардан масъулиятли фойдаланиш, лойиҳани муваффақиятли якунлаш ва Инновацион гуруҳ натижаларини тақдим этиш салоҳиятига эга бўлган ҳамкор/шериклардан биридир.

Ҳамкорларнинг исталган бири масъул ташкилот сифатида ҳаракат қилиши мумкин, бу гуруҳ ичида келишилади ва танлов жараёнининг II босқичида Ҳамкорлик тўғрисидаги ички келишувда тасдиқланади.

6. МОЛИЯЛАШТИРИШ

Лойиҳа Инновацион гуруҳларнинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни қоплашни кўзда тутди.

Лойиҳага икки молиявий йил учун кўпи билан 450 000 000 сўм ажратилади.

Қабул қилинадиган харажатлар:

- боғдорчилик, ўсимликшунослик, ҳайвонлар учун озуқа ишлаб чиқариш, интенсив боғдорчилик, иссиқхоналар, сут ва гўшт ишлаб чиқаришдаги янгиликлар, тупроққа дастлабки ишлов бериш, ерларни режалаштириш, интенсив боғлар, томчилатиб суғориш, зараркунандаларга қарши курашнинг кимёвий бўлмаган усуллари, биогаздан фойдаланиш ва шу кабиларни намойиш қилишда учун материаллар ва ишлар учун кетадиган харажатлар;
- ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- мутахассислар учун иш ҳақлари, транспорт ва яшаш харажатлари.

Фақат экологик тоза, ресурс тежамкор ечимлар ва усуллардан иборат инновацион ғояларни ўз ичига олган таклифларгина қўллаб-қувватланади.

7. ЭНГ ҚУЙИ МЕЗОНЛАР

Аризанинг мувофиқлик мезонлари қуйида келтирилган:

МЕЗОНЛАР	
1	Таклиф этилаётган инновацион гуруҳнинг камида 2 та шериги бўлиши
2	Инновацион гуруҳнинг шериклари қуйидагилар бўлиши мумкин: а) жисмоний ва юридик шахслар, масалан - Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бошқа илмий-тадқиқот институтлари; - Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) - бошқа фермер ва деҳқон хўжаликлари; - кластерлар; - компаниялар (қишлоқ хўжалиги технологиялари, уруғлар, кимёвий моддаларни етказиб берувчилар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, уларни сотувчилар ва ҳк.) - қишлоқ хўжалиги бўйича давлат ёки хусусий маслаҳатчилар(и) ёки бошқа маслаҳат беришга ихтисослашган компаниялар - қишлоқ жойлардаги уй хўжаликлари. б) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ва озиқ-овқат саноатидаги ишлаб чиқарувчи ташкилотлар.
3	Инновацион гуруҳдаги камида битта шерик фермер бўлиши керак.
4	Инновацион гуруҳдаги камида битта шерик илмий-тадқиқот муассасаси бўлиши лозим.
6	Лойиҳа таклифларини топширишда ариза берувчи тўғри маълумотларни тақдим этиши керак. Ушбу мезонларга риоя қилмаслик аризани рад этишга сабаб бўлади.
7	Ариза берувчи ушбу эълонда белгиланган муддатларга риоя қилиши шарт.

Лойиҳа ғоясининг мақбуллик мезонлари қуйида келтирилган:

МЕЗОНЛАР	
1	Лойиҳанинг ғояси / лойиҳа қуйидаги соҳалардан камида биттасига алоқадор бўлиши зарур: а. инновациялар, шу жумладан янги навлар, зотлар, ускуналар, асбоблар ёки ёндашувларни синовдан ўтказиш орқали қишлоқ хўжалигида барқарор, экологик тоза ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш ва рағбатлантириш б. инновациялар, жумладан, маҳсулотлар, технологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқиш ёки синовдан ўтказиш орқали ишлаб чиқаришда иқлим ўзгариши билан боғлиқ хавфларни камайтириш в. сувдан фойдаланиш ва сувнинг ифлосланишини камайтириш усуллари, жараёнлари, хизматлари ёки ускуналарини ишлаб чиқиш ёки синовдан ўтказиш.
2	Инновацион гуруҳ ушбу эълоннинг 1-илова сига мувофиқ лойиҳа ғоясини ишлаб чиқиши шарт.

8. ЛОЙИҲА ҒОЯСИ

Ҳар бир аризада **1-иловадаги** намунага мувофиқ ишлаб чиқилган лойиҳа ғояси бўлиши зарур.

9. АРИЗАЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ТАНЛОВ

Ҳар бир ариза асосий хусусиятлар рўйхатига қарши баҳоланиши керак. Танлов жараёнига қабул қилинадиган аризалар камида 35 балл (100 дан) тўплаши лозим.

БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧИ		БАЛЛ
1.	Инновацион гуруҳдаги ҳамкорлар сони	50
1.1	> 5	50
1.2	3 - 5	30
1.3	2	15
2.	Лойиҳа ғоясининг сифати	50
2.1	Аъло Лойиҳа ҳал қилиши керак бўлган муаммо(лар) тўлиқ тавсифланган ва у(лар) Ўзбекистон эҳтиёжлари ҳамда барқарор қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш билан жуда яқиндан алоқадор, мақсад (вазифалар), кутилаётган натижалар, чора-тадбирлар ва потенциал кенг тарғиб қилиш, кенг фойдали томонлари аниқ тавсифланган ва лойиҳа ғояси билан чамбарчас боғланган.	40

2.2	Яхши Лойиҳа ҳал қилиши керак бўлган муаммо(лар) ўртача даражада тавсифланган ва у(лар) Ўзбекистон эҳтиёжлари ҳамда барқарор қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга алоқадор, мақсад (вазифалар), кутилаётган натижалар, чора-тадбирлар ва потенциал кенг тарғиб қилиш, кенг фойдали томонлари ўртача даражада тавсифланган ва лойиҳа ғояси билан чамбарчас боғланган.	20
2.3	Етарли эмас Лойиҳа ҳал қилиши керак бўлган муаммо(лар) яхши тавсифланмаган ва у(лар) Ўзбекистон эҳтиёжлари ҳамда барқарор қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга алоқадор эмас, мақсад (вазифалар), кутилаётган натижалар, чора-тадбирлар ва потенциал кенг тарғиб қилиш, кенг фойдали томонлари яхши тавсифланмаган ва лойиҳа ғояси билан чамбарчас боғланмаган.	0
	Инновацион гуруҳда ҳамкор сифатидаги қишлоқ хўжалиги бўйича давлат ёки хусусий маслаҳатчилар(и) ёки бошқа маслаҳат беришга ихтисослашган компанияларнинг иштироки	10
ЖАЪМИ БАЛЛАР		100
ЎТИШ ЧЕГАРАСИ		35

10. МУРОЖААТЛАР

Ариза топширувчилар ушбу тендер бўйича саволларини 4agroinnovation@gmail.com электрон почта манзили ёки қуйидаги +998 78 1506812 ва +998 78 1506814 телефон рақамлари орқали, танлов доирасида белгиланган охириги муддатдан 3 кун олдинги санагача юборишлари мумкин.

ЛОЙИҲА ҒОЯСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИННОВАЦИОН ГУРУҲЛАР УЧУН

АРИЗА

УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

1. Лойиҳа / Лойиҳа ғояси номи: _____

2. Лойиҳа ғоясига мансуб бўлган асосий мавзу: _____

3. Инновацион гуруҳдаги шериклар

ҲАМКОР / ШЕРИК НОМИ	СУБЪЕКТ ТУРИ	МАНЗИЛ	МАСЪУЛ ШАХС

4. Етакчи (масъул) ташкилот

ЕТАКЧИ ТАШКИЛОТ	СУБЪЕКТ ТУРИ	МАНЗИЛИ	МАСЪУЛ ШАХС

ЛОЙИҲАНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

1. Таклиф этилаётган лойиҳа ғояси орқали ечими кутилаётган муаммони ва унинг инновацион ечимини тавсифланг.
2. Лойиҳанинг мақсадлари нима?
3. Лойиҳадан кутилаётган натижалар қандай?
4. Ўзбекистон шароитида ушбу мавзунинг аҳамиятини тавсифлаб беринг.
5. Ушбу лойиҳа қандай янгиликлар олиб келишини ифодалаб беринг.
6. Лойиҳа (инновация) якуний фойдаланувчиларга узоқ муддатда қандай ижобий таъсир кўрсатишини ёритиб беринг.

ФИО, лавозим

Имзо, муҳр